

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

*70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат транспорт университети.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

	<b>бет</b>
1. 70710601 – Электр таъминоти ( <i>темир йўл транспорти</i> ) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 70710601 – Электр таъминоти ( <i>темир йўл транспорти</i> ) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 70710601 – Электр таъминоти ( <i>темир йўл транспорти</i> ) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 70710601 – Электр таъминоти ( <i>темир йўл транспорти</i> ) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 70710601 – Электр таъминоти ( <i>темир йўл транспорти</i> ) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 70710601 – Электр таъминоти ( <i>темир йўл транспорти</i> ) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 70710601 – Электр таъминоти ( <i>темир йўл транспорти</i> ) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 70710601 – Электр таъминоти ( <i>темир йўл транспорти</i> ) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
Библиографик маълумотлар.....	7
Келишув вараги.....	8

# **1. 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

## **1.1. Қўлланиш соҳаси**

### **1.1.1. 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ӯқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва ўкув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

### **1.2. 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

#### **1.2.1. 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолияттининг соҳалари.**

**70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти)** – “Муҳандислик иши” таълим соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиши, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, электр станциялари, электр энергетикаси тизимлари, тармоқлари ва уларнинг жиҳозларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, созлаш ва ишлатиш билан шуғулланувчи барча саноат ташкилотлар мажмуасини қамраб олади.

#### **1.2.2. 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, професионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- электр энергетика соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;

- электр станциялари, нимстанциялари ва электр тармоқлари корхоналарида ишлатиши фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари.

**1.2.3. 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий тадқиқот ва педагогик фаолияти;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизмат фаолияти;

**1.2.4. 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолияти:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;
- илмий мақолалар, маъruzalар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиши;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

**Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида**

- муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;
- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;
- иктисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;
- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш.

**Таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- темир йўл транспорти электр таъминотини лойиҳалаш соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- темир йўл транспорти электр таъминотини лойиҳалаш бўйича ишлар сифатини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- темир йўл транспорти электр таъминотини лойиҳалашга оид маҳаллий ва ҳорижий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш.

#### **Ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизмат фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш ва унинг мониторингини олиб бориш;

- темир йўл транспорти электр таъминотига оид муаммоли эчимларни амалиётга тадбиқ этиш;

- темир йўл транспорти электр таъминоти жамоаси ишини ташкил қилиш;

- темир йўл транспорти электр таъминотини модернизациялаш ва таъмирлаш жараёнида ҳар хил фикрларнинг мавжуд бўлганда бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- бирламчи ишлаб чиқариш звенолари ишларини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- темир йўл транспорти электр таъминоти фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажарилишини назорат қилиш ва амалга оширилган ишлар натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

### **2. 70710601 – Электр таъминоти (темир йўл транспорти) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, электр энергетика муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ҳорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-хукуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларини ўзлаштирган бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

#### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir

қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиши кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- электр таъминоти, хусусан, уларни лойиҳалаш ва ишлатиш, темир йўл транспорти электр таъминоти соҳаларида янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- электр таъминоти, хусусан, уларни лойиҳалаш ва ишлатиш, темир йўл транспорти электр таъминоти соҳаларида касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамоиллардан илмий ва илмий-техникавий ижодий фаолиятида фойдалана олиши;
- меъёрий-хуқуқий хужжатларни техник экспертизадан ўтказишни билиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва ўқув дастури (магистратура дастури), профиль, кредит-модуль тизими, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, электр таъминоти, электрлашган темир йўллар электр таъминоти, тортувчи нимстанциялар, контакт тармоқлари, электр тармоқлари ва тизимлари, эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, экспертиза, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиши методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишли дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

# КЕЛИШУВ ВАРАГИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202 йил

» \_\_\_\_\_

## КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202 йил



М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

202 йил

» \_\_\_\_\_

М.Ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
Персонални бошқариш ва кадрларни  
тайёрлаш бошқармаси

Бошқарма  
бошлиғи  А.Хамроев

М.Ў.



202 йил

И.Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Ректор 

С.Турабджанов

202 йил

